

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил июль ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, Марғилон шаҳар “Иқбол” маҳалла фуқаролар йиғини биносидан, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи М.Марахимов, судья ёрдамчиси Ҳ.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурори ўринбосари Ж.Хомидов, гумон қилинувчи А.Ахмадалиев ва унинг ҳимоячиси Ш.Султонов ҳамда жабрланувчи М.Маматохоновнинг иштирокида,

Ахмадалиев Алишержон Акмалжон ўғли (Aхmadaliyev Alisherjon Akmaljon o'g'li), 1993 йил 30 мартда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси,

маълумоти

ўрта, ишламайди, оилали, муқаддам судланмаган, Марғилон шаҳар, А.Навоий маҳалла фуқаролар йиғини, Ипак йўли кўчаси, 44-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1513-2401/360-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Гумон қилинувчи Ахмадалиев Алишержон Акмалжон ўғли 2024 йил 27 апрель куни соат 13³⁰ларда, Марғилон шаҳар, Б.Марғилоний кўчасидан ўтган автомобиль йўлида, жамияда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан фуқаро Маматхонов Мухаммадрасулхон Маъруфхон ўғли билан ўрталарида келиб чиққан низо сабаб жанжаллашиб кетган ва жанжал давомида, М.Маматхоновни қўли билан юзига уриб, унга қасддан тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббий экспертнинг 2024 йил 30 апрелдаги хулосасида, М.Маматхоновда пастки жағ чакка бўғимини ўнг томонлама травматик артрити, кичик бўғими пайларини чўзилиши, оғиз очилиш, ёпилиш функцияларини кескин чегаралиниши, бўғим соҳасини юмшоқ тўқималарини лат ейиши, чап елка бўғимини, иккала тизза бўғимнинг шилинмалари ва юмшоқ тўқималарини лат ейишлари аниқлангани ва ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра, енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Дастлабки тергов давомида гумон қилинувчи А.Ахмадалиев ва жабрланувчи М.Маматохонов ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Марғилон шаҳар ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчисининг 2024 йил 7 июлдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи А.Ахмадалиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи А.Ахмадалиев судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроор экани, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчи М.Маматохоновга етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи М.Маматохонов



билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.Маматохонов судда, ярашув тўғрисидаги аризани қувватлаб, А.Ахмадалиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ҳозирда соғлиғи яхши экани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд жабрланувчи М.Маматохонов ва гумон қилинувчи А.Ахмадалиевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, химоячи Ш.Султонов ва Марғилон шаҳар прокурори ўринбосари Ж.Хомидовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи А.Ахмадалиевнинг айбига иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, томонларнинг ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим топади.

Шунингдек, суд жабрланувчи М.Маматохоновга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушинтирилганини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Гумон қилинувчи Ахмадалиев Алишержон Акмалжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчи М.Маматохоновга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушинтирилгани инобатга олинсин.

Ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг кассация



тартибида шу суд орқали Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Марахимов

Хужжат имзоланган: Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович, 05.08.2024



Маъсул судья: Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович



Хужжат имзоланган: Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович, 05.08.2024

